

«У талбия айтган ҳолда тирилади»



08:21 / 02.06.2020 2553

Ҳофиз Ибн Носир Димашқий айтади: «Барзолий 738 ҳижрий сана, зулҳижжа ойининг учинчи кунини, ҳажда эҳром боғлаган ҳолда вафот этдилар. Баъзи уламолар у зот ҳақида шундай деганлар: «Барзолий ҳадис ўқиётиниб, Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг қуйидаги ҳадисларини ўқиб қолсалар, кўнгиллари бўшаб, ўзларини тута олмай, йиғлаб юборар эдилар: «Бир саҳобий эҳром боғлаган ҳолида туясининг устидан йиқилиб вафот этди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша саҳобий ҳақида: «У қиёмат кунини «Лаббайка» айтган ҳолда тирилади», дедилар». Мана шу ҳадисга бўлган муҳаббати туфайли Барзолий ҳам эҳром боғлаган ҳолда вафот этдилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан